

"РЎЙЎХАТГА ОЛИНГАН"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

2008 йил . "02" май куни

265П сонли рақам билан

"ТАСДИҚЛАНГАН"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ УСТАЛАРИ,

ҲУНАРМАНДЛАРИ,

МУСАВВИРЛАРИ "ҲУНАРМАНД"

УЮШМАСИНИНГ ТАЪССИС

КОНФЕРЕНЦИЯСИ

2008 йил 26 январдаги

қарори билан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАЛАРИ, ҲУНАРМАНДЛАРИ, МУСАВВИРЛАРИ "HUNARMAND" УЮШМАСИ

УСТАВИ

(янги тахрирда)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР. -

1.1. Ўзбекистон Республикаси халқ усталари ва хунармандлари "HUNARMAND" Уюшмаси (бундан буён матнда «Уюшма» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунлар, ва нодавлат нотижорат ташкилотларни тартибга солувчи бошқа қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1741 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 июндаги "Республика халқ усталари ва хунармандлари "Ҳунарманд" уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги 282-сонли Қарори асосида ташкил этилган, жисмоний ва юридик шахсларни ихтиёрийлик асосида ўз сафига бирлаштирган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган. олинган даромадларни ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган, ўзини ўзи бошқарувчи иодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланиб, халқ амалий санъати аъаналари асосида фаолият кўрсатаётган муссавирлар, санъатшунослар, халқ усталари ва Ҳунармандлар фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, ҳайрия фаолиятини, шунингдек бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни амалга ошириш учун тузилган уюшмадир.

Унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. "Уюшма" аъзоларининг эркинлик, тенглик, ўз-ўзини бошқариш, қонунчилик ва ошқоралик тамойилларига асосланган ва амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни, амалдаги қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (ПФ-1741-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1997 йил июндаги "Республика халқ усталари ва ҳунармандлари "Ҳунарманд" уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги 282-сонли Уставга асосан фаолият юритади.

1.3. "Уюшма" Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳр барча шаҳар ва туманларда ўзининг ҳудудий бошқарма бўлимлар уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказган ҳолда мазкур фаолият олиб боришларини таъминлайди.

1.4. "Уюшма" Устави қонун билан белгиланган тартибларга асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тегишли рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. "Уюшма" давлат рамзий белгиларига ўхшамаган байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. "Уюшма" рамзий белгилари мазкур Уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. "Уюшма" ўзининг рамзий белгилари туширилган думалоқ муҳр ва штампига, банк муассасаларида сўм ва хорижий валютадаги мустақил депозит ҳисоб счётига, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши, ўз фаолияти билан боғлиқ турли мажбуриятларни ўз бўйнига олиши, суд идораларида, шу жумладан хўжалик судларида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши мумкин.

1.6. "Уюшма" белгиланмаган муддатга ташкил қилинади.

1.7. "Уюшма" ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулкӣ билан жавоб беради.

1.8. "Уюшма" ўз қатнашчиларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.9. Давлат ва унинг органлари "Уюшма" мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек "Уюшма" ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2."УЮШМА" НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН

МАНЗИЛИ.

2.1. "Уюшма"нинг тўлиқ ва қисқартирилган номлари қуйидагича:

Ўзбек тилида тўлиқ номи:

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари,
ҳунармандлари.мусаввирлари "HUNARMAND"
Уюшмаси.

Қисқартирилган номи: Республика " HUNARMAND " Уюшмаси

Рус тилида тўлиқ номи:

Узбекская Республиканская Ассоциация
народных мастеров, ремесленников и живописцев
"HUNARMAND"

Қисқартирилган номи: Республиканская Ассоциация " HUNARMAND"

2.2. "Уюшма" жойлашган манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Халклар Дўстлиги кўчаси, "Абул-Қосим" мадрасаси.

2.3. "Уюшма" манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақда уни давлат рўйхатидан ўтказган идорага хабар беради.

3. "УЮШМА" МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ-

3.1. "Уюшма" мақсадлари:

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари ҳудудида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, халқ амалий санъати анъаналари асосида фаолият юритаётган халқ усталари, ҳунармандлар, амалий санъат мутахассислари, ижодкор ёшлари фаолиятларини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларни амалга ошириш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, иқтидорли болалар ва ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, ҳайрия ва, хомийлик фаолиятларини амалга ошириш.

3.2. "Уюшма" вазифалари:

мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқ амалий санъати анъаналари асосида фаолият юритаётган жисмоний ва ҳуқуқий шахсларни, санъатшунослар, халқ усталари, ҳунармандлар мусаввирларини "Уюшма" таркибига бирлаштириш;

"Уюшма" аъзолари фаолиятларини мувофиқлаштириш ва ягона мақсад сари йўналтириш. Уларга ҳар томонлама ҳуқуқий ва ахборот хизматлари кўрсатиш. "Уюшма" аъзолари фаолиятини ва меҳнат шароитларини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Фаолиятнинг илғор усул ва тажрибаларини ўрганиш ва амалда жорий қилиш;

"Уюшма" аъзолари фаолиятига оид қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, ўтказилаётган тендер ва танловларда, кўргазма ва ким ошди савдоларида уларнинг қанташувларини ташкил қилиш, уларнинг вакиллигини таъминлаш ва иштирок этиш;

"Уюшма" аъзоларини янги замонавий технология ва жихозлар билан таъминлашга, фаолиятни яхшилашга қаратилган инвестиция ва грандларни жалб қилиш борасида фаолият олиб бориш.

"Уюшма" фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ маркетинг тадқиқотлар ўтказиш, аҳолини талаб ва таклиф эҳтиёжларни ўрганиб чиқиш;

Давлат томонидан ушбу соҳаларни ривожлантириш ва яхшилашга доир ишлаб чиқилаётган жорий ва истиқболли лойиҳаларда амалий таклифлар билан қатнашиш;

илмий, ижтимоий, маданий ва аъзоларни касб ва ҳунар малакаларини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги борасидаги илғор усулларни жорий қилиш, ўзаро тажриба алмашиш, аъзоларнинг касб малакаларини

ошириш.

Халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирларига уй шароитида, оила аъзоларни жалб қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш учун шароит яратиб бериш. Уларни керакли хом-ашёлар, асбоб-ускуналар ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқарган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотишга, экспорт қилишга кўмаклашиш;

Халқ амалий санъати ва тасвирий санъати маҳсулотларини четга чиқариш учун экспертиза булимларини ташкил этиш;

Бозор иқтисоди ва талабларини ўрганиш, маҳаллий хом-ашё ва материаллардан юқори сифатли бадий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш масалаларини ўрганиш ва таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек хорижий давлатларда халқ ҳунармандлари маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш, таҳлил қилиш. маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага ёйиш, реклама қилиш, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган буклет, брошюра, прайс-лист ва каталоглар чиқариш, ким-ошди ва кўргазма савдоларини ташкил этиш;

Ёшларга, халқ аънана ва усулларини сақлаган ҳолда, юқори бадий савиядаги халқ амалий санъати буюмлари намуналарини яратишни ўргатиш, уларни тарбиялаш учун, белгиланган тартибда "Уста-Шогирд" мактабларини ташкил этиш;

Мавжуд услубий йўналишлар ва ижодий ютуқлар акс этган миллий маданиятни тарғиб қилиш, бошқа мамлакатлар амалий санъати ва маданияти билан халқимизни таништириш, улар билан ўзаро алоқаларини яхшилаш ва ривожлантириш;

Миллий устачилик ва ҳунармандчилик меросини сақлаш, буюк халқ усталари ва ҳунармандлари номини ва хотирасини абадийлаштириш;

Халқ амалий санъати ва санъатшуносликни ривожлантиришга ёрдам бериш, усталар ва санъатшуносларнинг ҳамкорлигини таъминлаш:

Халқ усталари ва ҳунармандларнинг авторлик ҳуқуқларини таъминлайдиган норматив актларни янада такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш, уларнинг муҳокамасида қатнашиш, давлат, касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятида "Уюшма" номидан вакиллик қилиш;

"Уюшма" аъзоларини моддий, маданий ва маиший шароитларини яхшилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Халқ амалий санъатини бутун дунёга тарғиб қилиш;

Халқ усталари ва ҳунармандларининг ижодий устахоналарини, кўргазма залларини, галереяларини, ижодий уйлари, хордиқ чиқариш масканларини, оромгоҳларини. профилактория ва бошқа шифо масканларини қуриш, таъмирлаш, уларга молиявий ёрдамлар кўрсатиш;

«Ассоциация» аъзолари учун ижодий устахоналар, қуриш ва таъмирлаш;

Халқ усталари ва ҳунармандларини уларни фаолият юритишлари учун керак булган дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа нарсалар билан таъминлашни амалга ошириш;

Халқ усталари ва ҳунармандларини тажриба алмашиш, малака ошириш, бошқа халқларнинг миллий амалий маданияти билан танишиш учун ижодий сафарларга, шу жумладан хорижий ижодий сафарларга боришига кўмаклашиш;

"Уюшма"нинг марказий кўргазма залини, унинг жойлардаги, шу жумладан хорижий давлатлардаги кўргазма заллари дўконларни ташкил қилиш, хунармандларининг энг сара асарлари намуналари билан уларни тўлдириш, уларни доимий янгиланиб турилишини таъминлаш;

"Уюшма" аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ва яратилган асарларни сотилишига кўмаклашиш;

Халқ амалий санъати махсулотларини чакана ва улгуржи сотиш.

Хунармандчилик махсулотларини ишлаб чиқиш.

Кичик ва қўшма корхоналар ташкил

Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

"Уюшма" қошида ишлаб чиқариш устахоналари тузиш, хорижий давлатлар халқ усталари ва ҳунармандларининг турли нодавлат уюшмаларига аъзо бўлиш, хорижий давлатлар халқ усталари, хунармандлари, шу жумладан юридик шахсларини "Уюшма" аъзолигига қабул қилиш, ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Касаначилик асосида иш юритишни ташкил этиш;

Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган, амалдаги қонунлар нормалари билан таъқиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолиятлар билан шуғулланиш;

Ўз аъзоларини моддий, маданий-маиший шароитларини яхшилаш;

Халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлар томонидан яратилган бадиий асарларнинг кўргазмаларини шу қаторда чет эл кургазма-савдо ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва молиявий ёрдам бериш;

Уюшма кўргазма фондларини тўлдириш мақсадида бадиий асарлар намуналарига буюртма бериш йўли билан келишилган холда харид қилиш;

Қарамоғидаги корхоналарнинг ҳаракатдаги воситаларни тўлдириш, молиявий ва бошқа ёрдамлар курсатиш;

Халқ усталари, хунармандлари, мусвирларини уй-жойини, ижодий устахоналарини кўргазма залларини, галлереяларини, ижодий уйларини, хордиқ чиқариш масканларини оромгохларини профилактория ва бошқа шифолаш масканларини қуриш ва тўлиқ таъмирлашда молиявий ёрдам бериш;

4. "УЮШМА" ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун "Уюшма" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз қатнашчилари ва аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, белгиланган тартибда матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар, шу жумладан хорижий давлатлар ҳудудларида ўз бошқарма ва бўлимларини, ваколатхоналарини очиш, филиаллар ва бошқа турдаги тузилмаларни ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш. (Ваколатхона ва филиаллар жойларда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва фаолият олиб боради).

"Уюшма" аъзолари ва маъмурий-бошқарув ходимларини, уларнинг иш фаолиятлари билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича илғор иш тажрибаларини ўрганиш, касб малакаларини ва билимларини ошириш, турли тадбирларда қатнашиш, ўқиш ва хизмат сафарларига юбориш;

хорижий сармоядорларни ва ҳамкорларни таклиф этиш, мазкур Устав доирасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириш, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда

бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;

4.2. "Уюшма" мажбуриятлари:

амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

нодавлат нотижорат ташкилот сифатида "Уюшма"ни рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирлар ва фаолият билан танишиш учун эркин имкон бериш;

ўз фаолиятининг натижалари ҳисоботини юритиш;

"Уюшма"нинг ташкилий, бошқарув, молиявий-хўжалик, мухосиблик, ходимлар билан боғлиқ ҳужжатларни сақланишини таъминлаш;

"Уюшма" амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбу эга бўлади.

5."УЮШМА" АЪЗОЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. "Уюшма" аъзолигига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доим яшовчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 апрел 2008 йилдаги №3983 сонли Фармонида кўрсатилган рўйхатдаги халқ амалий санъати асарларини яратаётган.-«HUNARMAND» уюшмасининг Уставини тан олувчи, аъзоликка қабул қилишдаги ва аъзолик вақтидаги бадалларни тўлашга рози бўлган, "Уюшма" фаолиятида фаол қатнашиш истагини билдирган, аъзоликка қабул қилиш вақтида ўн олти ёшга тўлган жисмоний шахслар, ёки махсус комиссиянинг қонунда белгиланган тартибда берилган рухсатномаси билан меҳнат қилиш ҳуқуқи берилган, 16 ёшгача бўлган шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қабул қилинади.

5.2. Ўзбекистон Республикаси халқ ҳунармандчилиги санъати соҳасига катта ҳисса қўшган, лекин Ўзбекистон Республикасидан ташқарида истиқомат қилаётган халқ усталари ва ҳунармандлари "Уюшма"нинг фахрий аъзолари этиб сайланишлари мумкин.

5.3.Таъсис шартномаси асосида "Уюшма" Устав жамғармасига ўз баланси ҳисобидан маблағ ёки актив киритган юридик шахслар ҳам "Уюшма" аъзолари ҳисобланадилар.

5.4."Уюшма"га қабул қилиш бадий кенгаш экспертиза бўлими ва ҳудудий бўлимлар тавсиясига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 апрел 2008 йилдаги 3983-сонли Фармонида кўрсатилган рўйхат асосида, номзодни ижодий салоҳияти ва махоратини ҳисобга олган ҳолда "Уюшма" Бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади.

5.5."Уюшмага" қабул қилинган аъзога ягона шаклдаги аъзолик гувоҳномаси берилади.

5.6."Уюшма" аъзолигига қабул қилишда, кириш учун 2000 сўм ва энг кам иш ҳақининг 2 дан 8 баробари миқдорида аъзоллик бадали тўланади.

"Уюшма"нинг нафақхўр аъзолари кириш бадалидан озод этиладилар.

5.7. "Уюшма" аъзолигидан чиқариш, "Уюшма" Уставини бузган аъзоларга нисбатан қўлланилади ва худудий бўлимларнинг тавсиясига биноан, "Уюшма" Кенгаши қарори билан амалга оширилади.

"Уюшма" аъзолигидан чиқмокчи булган хунармандлар барча йиллик аъзолик бадалларини тўлагандан сўнг, уларнинг аъзолик гувоҳномаси бекор қилинади.

5.8. "Уюшма" томонидан ташкил қилинган кўргазма ва тадбирларда фаол иштирок этган аъзолар, Кенгашининг қарори билан, маълум давр учун аъзолик бадали тулашдан озод қилиниши мумкин.

5.9. "Уюшма"га қабул қилишга рад жавобини олган жисмоний ва юридик шахслар ёки "Уюшма" аъзолигидан чиқарилган аъзолар, бундан норози бўлган тақдирда, бу ҳақдаги шикоят билан "Уюшма" Конференциясига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

5.10. "Уюшма" аъзоларининг ҳуқуқлари;

Ижод эркинлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмларни реклама қилиш ва мустақил сотиш;

Ижодий устахоналар очиш;

"Уюшма" таркибидаги корхоналардан имтиёзли буюртма олиш, бошқа кўргазмаларда ўз асарларини имтиёзли асосларда намойиш этиш;

фахрий унвонга, давлат ва бошқа мукофотларга номзод кўрсатиш ва номзодини ўтказиш;

"Уюшма" нинг раҳбар ва тафтиш органларини сайлашда қатнашиш ва улардан фақат биттасида сайланиш;

Уюшма" томонидан кўрсатилаётган барча турдаги хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланиш;

республика ва халқаро ижодий уюшмалар томонидан ташкил қилинган тадбирларда қатнашиш;

ўз хоҳишига кўра "Уюшма" аъзолигидан чиқиш;

қонун ҳужжатларида билгиланган бошқа ҳуқуқлар.

5.12. "Уюшма" га аъзо бўлиш, бошқа ташкилотларга аъзо бўлишга монелик қилмайди.

5.13. "Уюшма" аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Таъсис ҳужжатларида ва ушбу Уставда билгиланган талабларга амал қилиш ва олган мажбуриятларни бажариш;

"Уюшма" фаолиятини олиб боришга ҳар томонлама қўмаклашиш;

"Уюшма" аъзолари Конференцияси қарорлари билан билгиланган аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

"Уюшма" аъзолари, Конференция қарорлари асосида берилган алоҳида ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари, шунингдек уларга айрим вазифаларни бажариш юклатилиши ҳам мумкин;

"Уюшма" қатнашчилари мазкур "Уюшма" га мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу-жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар "Уюшма" мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, "Уюшма" эса ўз навбатида ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

6. "УЮШМА" ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

6.1. "Уюшма" таркибий тузилмаси қуйидагилардан иборат:

Уюшма аъзолари Конференцияси;

Уюшма Бошқаруви Кенгаши;

Уюшма Бошқарув Кенгаши Раиси;

Уюшма назорат-тафтиш комиссияси.

6.2 "Уюшма" аъзолари Конференцияси "Уюшма"нинг олий органу ҳисобланади.

Конференцияда делегатлар "Уюшма"нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоят бўлимларидан сайланган 2 тадан вакиллар ваколатли делегат сифатида қатнашадилар. Ҳар бир делегат биттадан овозга эга бўлади.

Конференция фаолиятига делегатлар томонидан сайланган Раис ва Котиб раҳбарлик қилади.

6.3. Конференциянинг асосий вазифаси, "Уюшма"нинг Уставига риоя қилинишини, шунингдек Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган масалаларни муҳокама қилишдан иборат.

6.4. Конференцияда, "Уюшма" қошида ташкил этилган, алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган тузилма раҳбарлари ҳам иштирок этишга ҳақли. Конференцияда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

6.5. "Уюшма" Конференцияси мутлақ ваколатларига қуйидаги масалалар кирди;

Конференция Раисини ва Котибини сайлаш, улар ваколатини белгилаш ва муддатидан илгари тўхтатиш;

"Уюшма" нинг Бошқарув Кенгаши, Ижро органи раҳбари - Бошқарув Раисини, Назорат- тафтиш комиссиясини сайлаш, уларнинг ваколат муддатларини белгилаш.

"Уюшма" Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва давлат руйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиш;

йиллик ҳисоботлар ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

"Уюшма" органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

аудиторлик текширувлари ўтказиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, аудиторлик хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг юқори чегарасини белгилаш;

"Уюшма" фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, мувофиқлаштириш, мулк ва молиявий маблағларни шакллантириш ва фойдаланишни белгилаш;

"Уюшма" аъзоллигига қабул қилишда тўланадиган ва ҳар йил учун тўланадиган аъзолик бадаллари тўлов миқдорини белгилаш;

"Уюшма" нинг маъмурий-ҳўжалик ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳаражатлар сметаларини тасдиқлаш

"Уюшма"ни қайта ташкил этиш ёки тугатиш юзасидан қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

6.6."Уюшма" конференцияси Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва "Уюшма" ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.

6.7."Уюшма" Конференцияси мутлақ ваколатига кирувчи масалалар "Уюшма"нинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

6.8."Уюшма" Конференцияси заруратга қараб, аммо бир йилда камида бир марта, бошқа ҳолларда "Уюшма" аъзоларининг камида учдан икки қисмининг талаби, шунингдек "Уюшма" Раисининг талаби билан чақирилади.

6.9. "Уюшма" Конференцияси ўтказилиши тўғрисидаги хабар, йиғилиш ўтказиладиган кундан бир hafta аввал хабарнома орқали "Уюшма" аъзоларига . маълум қилинади.

6.10."Уюшма" Конференциясининг қарорлари делегатларнинг очиқ овоз бериш йўли билан, умумий овозлар сони учдан икки қисмдан кам бўлмаган ҳолларда қабул қилинади.

6.11."Уюшма" Конференциясида муҳокама қилинган, "Уюшма" Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, "Уюшма" аъзоларининг аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, "Уюшма" Бошқаруви Раиси, назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, чақириб олиш, "Уюшма"ни қайта ташкил қилиш ёки фаолиятини тўхтатиш масалалари бўйича эса делегатларнинг очиқ овоз бериш йўли билан, умумий овозлар сони тўртдан уч қисмдан кам бўлмаган ҳолларда қабул қилинади.

6.12. "Уюшма" Бошқаруви Кенгаши, "Уюшма"нинг доимий фаолият

юритувчи коллегиял органи бўлиб, "Уюшма" ижро органи ва "Уюшма"нинг барча қуйи таркибий тузилмаларига умумий раҳбарликни амалга оширади.

6.13. "Уюшма" Бошқаруви Кенгаши 5 кишидан иборат бўлиб, "Уюшма" конференцияси томонидан 5 йил муддатга сайланади.

"Уюшма" Бошқаруви Раиси Кенгаш таркибига киради ва Кенгаш Раиси ҳисобланади.

6.14. "Уюшма" Бошқаруви Кенгаши заруратга қараб, аммо йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади.

6.15. "Уюшма" Бошқаруви Кенгаши қарорлари Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ҳар бир Кенгаш аъзоси битта овозга эга булади. Овозлар сони тенг бўлган ҳолларда "Уюшма" Бошқарув Кенгаш Раисининг овозга эга булади.

6.16. "Уюшма" Бошқаруви Кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

"Уюшма" фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

"Уюшма" аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш туғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш

"Уюшма" таркибида экспертлар Кенгаши, турли масалалар бўйича кўмиталар ва ишчи -гуруҳлар ташкил қилиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш;

"Уюшма" таркибида бошқарма ва бўлинмалар, ваколатхоналар, филиаллар, ўқув, ишлаб чиқариш ва бошқа тузилмалар ташкил қилиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

"Уюшма" фаолиятига тегишли ҳужжат лойиҳаларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш;

"Уюшма" ва унинг таркибига кирган бошқарма, бўлим, филиал ва тузилмалар фаолияти бўйича ҳисоботлар олиб бориш. Йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерия балансларини Кенгаш, Конференция муҳокамасига киритиш;

"Уюшма" органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва Конференция муҳокамасига киритиш;

"Уюшма" фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, мувофиқлаштириш, мулк ва молиявий маблағларни шакллантириш ва фойдаланиш масалаларида Конференция муҳокамасига таклифлар тайёрлаш;

"Уюшма"нинг маъмурий-ҳўжалик ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳаражатлар сметаларини ишлаб чиқиш ва конференция муҳокамасига киритиш;

Мазкур Устав, конференция қарорлари, Бошқарув Кенгаши қарорлари, буйруқларда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

6.17.Экспертлар Кенгаши, кўмиталар, комиссия ва ишчи гуруҳлар "Уюшма"нинг ички тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқиш, "Уюшма" аъзоларининг касб фаолиятлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, услубий қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва Уставда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун ташкил қилинади.

Экспертлар Кенгаши, кўмиталар, комиссия ва ишчи гуруҳлари "Уюшма" аъзоларининг вакилларида, "Уюшма" штатидаги ходимлар, шунингдек меҳнат шартномаси асосида жалб қилинган мутахассис ходимлардан ташкил топади.

6.18."Уюшма" аъзолари Конференцияси ва Бошқарув Кенгаши қарорлари "Уюшма" таркибий тузилмалари учун мажбурий бўлиб, биринчи навбатда ижро қилинади.

6.19."Уюшма" молиявий-хўжалик фаолиятига умумий раҳбарлик Уюшма Бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади. "Уюшма" Бошқаруви Раиси "Уюшма" аъзолари Конференцияси томонидан 5 йил муддатга сайланади.

6.20."Уюшма" Бошқаруви Раиси қуйидаги ваколатларга эга:
"Уюшма" молиявий-хўжалик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, фаолият билан боғлиқ барча турдаги шартнома ва битимлар тузади ва уларни бажарилишини таъминлайди;

"Уюшма" номидан иш кўриш учун ишончномалар беради;

"Уюшма" маъмурий-бошқарув ходимлари, шунингдек жалб қилинган мутахассислар билан меҳнат шартномалари тузади ёки бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини кўради;

"Уюшма" Конференциясининг мутлақ ваколатига киритилмаган бошқа барча масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қилади ва фаолиятни амалга оширади; -"Уюшма" номидан турли конференция, симпозиум, съезд ва бошқа тадбирларда иштирок этади.

"Уюшма" Кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади. Кенгаш мажлисларида раислик қилади.

"Уюшма" мулклари ва пул маблағларини мустақил тасарруф этади;

Уюшма" фаолиятини яхшилашга ва юритишга оид лойиҳалар ишлаб чиқади ва конференция муҳокамасига тақдим этади;

"Уюшма" Конференцияси ва Кенгаши қарорлари ижросини назорат қилади ва бажарилишини таъминлайди.

6.21."Уюшма" Уставида белгиланган фаолиятларни юритилиши, конференция ва Кенгаш қарорлари, Бошқарув Раисининг буйруқлари ижроси, "Уюшма" молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларни мақсадли

сарфланиши устидан назорат, "Уюшма" Конференцияси томонидан, Зкишидан иборат таркибда, 5 йил муддатга сайланган назорат-тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.22.Назорат-тафтиш комиссияси Раиси, комиссия аъзолари томонидан комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади.

Комиссия Раиси ва аъзолари "Уюшма" конференциясида иштирок этишдан ташқари, "Уюшма"нинг бошқа фаолиятларида қатнашишлари, бошқарув ва раҳбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас.

6.23.Назорат-тафтиш комиссияси "Уюшма" ва унинг таркибидаги тузилмалар фаолиятини режа асосида, бир йилда камида бир марта, шунингдек "Уюшма" Конференцияси ёки "Уюшма" Бошқарув Кенгаши қарорлари, шунингдек Бошқарув Раиси буйруқлари асосида режадан ташқари тафтиш қилади ёки шартнома асосида аудитор жалб этиб хал этилади.

Ўз фаолиятини амалдаги қонунлар, қонуности нормалар ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

6.24.Комиссия фаолияти юзасидан ҳисоботлар "Уюшма" Конференциясида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

7. "УЮШМАТА АЪЗО БЎЛИШ ВА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

7.1. "Уюшма"га аъзо бўлиш "Уюшма" Бошқаруви Раиси номига оркали амалга оширилади.

7.2. Ариза ҳамда "Уюшма" Бошқаруви томонидан тасдиқланган рўйхатга олиш варағи белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, "Уюшма" Кенгаши муҳокамасига киритилади ва йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

7.3."Уюшма" аъзоси исталган вақтда "Уюшма" Кенгаши Раиси номига ёзма ариза, бериш йули билан "Уюшма"дан ихтиёрий равишда чиқиш ҳуқуқига эга.

7.4. "Уюшма" олдига қўйилган мақсадларни амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи, ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолияти билан "Уюшма" обрўсига путур етказувчи, ёки аъзолик бадалларини ўз вақтида тўламаётган "Уюшма" аъзолари "Уюшма" Кенгашининг кўпчилик овоз билан маъқулланган қарорига кўра аъзоликдан чиқарилишлари мумкин. Аъзолик бадалларини 2 йил давомида тўламаслик - ўз вақтида тўламаслик деб баҳоланади.

Аъзоликдан чиқаришда шахс томонидан муқаддам тўланган кириш ва аъзолик бадаллари, шунингдек "Уюшма" эгалигига берилган мулк ва маблағлар қайтарилмайди.

"Уюшма" Кенгаши қарори ёки бошқа низоли масалалар юзасидан "Уюшма" конференциясига шикоят келтирилиши мумкин.

7.5. "Уюшма" аъзолигига қабул қилиш масаласи 3 иш куни мобайнида

кўриб чиқилади ва ариза муаллифига маълум қилинади.

7.6."Уюшма" аъзолигига қабул қилинганлик ҳолати, белгиланган кириш ва аъзолик тўлов ва бадаллари тўлангандан кейин бериладиган махсус гувоҳнома бериш орқали тасдиқланади.

8."УЮШМА" ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА БОШҚА МОЛ-МУЛКЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

8.1."Уюшма" ва унинг таркибидаги бошкарма бўлинмалар, филиал, ваколатхона ва бошқа тузилмаларни Уставда кўрсатилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, қурилмалар, турар-жой фонди, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари, шунингдек мулккий характерга эга бўлмаган маълум турдаги ҳуқуқларга эгалик қилишлари мумкин;

"Уюшма" ва унинг таркибидаги филиал, ваколатхона ва бошқа тузилмаларни «улклари "Уюшма"нинг умумий мулки ҳисобланади;

8.2."Уюшма" маблағларининг (пул, мулк ва бошқа шаклда) шаклланиш манбаалари қуйидагилар:

Аъзолик кириш ва йиллик аъзолик бадаллари;

Ташкилотларнинг ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;

пул кўринишдаги тушумлар, корхона, ташкилот ва жисмоний шахслар томонидан топширилган моддий бойликлар;

"Уюшма" аъзоларининг келадиган тушумлар

Уставга асосан семинарлар, маърузалар, кўргазмалар, лотереяларни ўтказиш, ва бошқа тадбирларини ўтказишдан тушган маблағлар;

"Уюшма" таркиби ва қошида тузилган тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб борилган ижодий кўргазмалар, ишлаб-чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ноширлик, матбаачилик ва бошқа фаолиятлардан тушадиган даромадларидан.

акция ва қимматбаҳо қоғозлардан тушадиган даромадлар;

банк депозит счётига қўйилган маблағлардан келадиган фойдалар;

Уставдаги мақсад аа вазифаларни амалга оширишда фойдаланиладиган тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар,

"Уюшма" аъзоларнинг, шунингдек учинчи шахсларнинг ихтиёрий ёрдамлари, кредит ва грантлар.

"Уюшма" фаолиятини таъминлаш ва яхшилаш билан боғлиқ кўрсатиладиган турли хизматлар эвазига тушидиган маблағлар;

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

8.3. "Уюшма" ва унинг бўлимлари, таркибий тузилмалари фаолияти натижасида олинган хусусий ва бошқа мулклар ва даромадлар фақат Уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишда фойдаланилади.

8.4. "Уюшма" мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланиш ва ишлатиш ваколати "Уюшма" Бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади.

8.5. "Уюшма" мол мулки "Уюшма" Кенгашида тасдиқланган нархлар ва миқдорда баҳоланади

8.6. Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар ҳам "Уюшма" мулки бўлиши мумкин.

"Уюшма" мулки ва маблағлари Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан муҳофаза қилинади.

"Уюшма" ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундиришга мумкин бўлган мол-мулклари ва маблағлари билан жавоб беради.

9. "УЮШМА ТАРКИБИЙ БОШҚАРМА ВА БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОЛ-МУЛКНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ХУҚУҚЛАРИ

9.1. "Уюшма" бошқарма ва бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улар томонидан тақдим этилган "Уюшма" кенгаши томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек "Уюшма" давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

9.2. "Уюшма" бошқарма ва бўлинмалари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий тузилмаларнинг мол-мулклари "Уюшма" мулки ҳисобланади.

9.3. "Уюшма" таркибий тузилмаларининг фаолият юритишлари ва уларда ҳисоботларни юритилиши амалдаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширилади.

10. "УЮШМА" ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАНИШИ

10.1. "Уюшма" қуйидаги ҳужжатларни сақланишини таъминлаши лозим:
"Уюшма"нинг тэъсис йиғилиши билан боғлиқ барча ҳужжатлар;

"Уюшма" таъсис шартномаси, Устави ва уларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар тўғрисидаги ҳужжатлар;

"Уюшма"ни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

"Уюшма" балансида бўлган мулкларни тегишлилигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар;,,

"Уюшма" фаолияти билан боғлиқ ички ҳужжатлар;

"Уюшма" филиал ва бўлимлари, шунингдек унинг таркибида ташкил қилинган тузилмалар тўғрисидаги ҳужжатлар;

Конференция, Кенгаш ва йиғилиш баённомалари ва қарорлари;

"Уюшма" назорат-тафтиш комиссияси, жалб қилинган аудиторлар, назорат қилувчи давлат идоралари томонидан ўтказилган текширув далолатномалари, киритилган тақдимномалар, улар ижросини таъминлаш борасидаги ҳужжатлар;

Қонунда белгиланган тартибда сақланиши лозим бўлган бошқа турдаги ҳужжатлар.

11. "УЮШМА" ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ

11.1. "Уюшма" фаолияти, "Уюшма" томонидан Ўзбекистон Республикасини Конституцияси ва қонун ҳужжатлари талабларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

12. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

"Уюшма" уз фаолияти тўғрисида қонунда белгиланган тартибда солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар тақдим этади.

13. "УЮШМА"НИ ҚАЙТА ТАШКИЛ КИЛИШ, УНИНГ УСТАВИГА КУШИМЧА ВА УЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ

13.1. "Уюшма"ни қайта ташкил этиш "Уюшма" Конференцияси қарорига биноат бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

13.2. "Уюшма" Уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш масаласи "Уюшма" Кенгаши ташаббуси билан тайёрланади ва "Уюшма" Конференцияси қарори билан тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига қайта давлат руйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

13.3. "Уюшма"ни тугатиш "Уюшма" конференцияси қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

13.4. "Уюшма"ни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Конференция Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

13.6. "Уюшма"ни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

13.7. "Уюшма"ни тугатиш тўғрисидаги ёзув, уни давлат руйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади:

"Уюшма"ни тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат

реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда);

Тегишли органнинг "Уюшма"ни тугатиш тўғрисидаги қарори;

"Уюшма" Устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

Тугатиш баланси ёки топшириш ҳужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

13.8. Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулкни тақсимлаш қонунчилиқка асосан мувофиқ амалга оширилади.

13.9. Кредиторларни талабларини қондиришга "Уюшма" мулк ва маблағлари етмаган тақдирда, қарзларни тўлаш навбати қарз суммаларига мутаносиб равишда белгиланади.

"Уюшма" пул маблағлари қарзларни қоплашга етмаган тақдирда тугатиш комиссияси "Уюшма"га тегишли мулкларни сотиш масаласини ҳал қилади.

13.10. "Уюшма" билан кредиторлар ўртасидаги молиявий, мулкӣ ва бошқа барча низоли масалалар ҳал қилингандан кейин қолган барча мулк амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

13.11. "Уюшма"га тегишли бўлган барча ҳужжатлар янги ташкил этилган унинг қонунӣ меросхўрига ёки давлат ҳужжатгоҳига (архив) топширилади.

13.12. "Уюшма" тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ягона давлат реестрига киритилганидан кейин "Уюшма" тўлиқ тугатилган ҳисобланади.

УЮШМА БОШҚАРУВИ РАИСИ

М.Р.ҚУРБОНОВ